O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 26 август шанба
Сотувда эркин нархда
№ 166 (2463)



ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИМИЗГА




6 КУН ҚОЛДИ!

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисида

**Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, давлат ва халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, ислоҳотларни амалга оширишдаги фаол иштироки ва қаҳрамонона меҳнатлари учун қуйидагиларга “ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ” унвони берилиб, олий нишон – “ОЛТИН ЮЛДУЗ” медали топширилсин:**

**Аблакулов Хазрат** – Ғиждувон тумани С.Айний номли ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Бухоро вилояти

**Джуманиязов Бекдурди** – Хива тумани “Ўзбекистон” ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Хоразм вилояти

**Жураев Юрсинбой** – Олтиариқ тумани Б.Отақулов номли ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Фарғона вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 25 август.


Аблакулов Хазрат


Джуманиязов Бекдурди


Жураев Юрсинбой

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган адабиёт ва санъат усталарини мукофотлаш тўғрисида

**Бетакрор истеъдоди ва қолдирган ўлмас мероси билан ўзбек миллий маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини Ватан, халқ, миллат тараққиётига бағишлаган ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб, эл-юрт олдидаги унутилмас хизматларини инобатга олиб, қуйидаги марҳум адиб ва санъаткорлар “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотлансин:**

**Ғафур Ғулом** – академик, Ўзбекистон халқ шоири

**Ойбек(Мусо Тошмуҳаммад ўғли)** – академик, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

**Абдулла Қаҳҳор** – Ўзбекистон халқ ёзувчиси

**Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов** – ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти

**Муҳиддин Қориёқубов** – Ўзбекистон халқ артисти

**Юнус Ражабий** – академик, Ўзбекистон халқ артисти

**Аброр Ҳидоятов** – Ўзбекистон халқ артисти

**Жўрахон Султонов** – Ўзбекистон халқ артисти

**Маъмуржон Узоқов** – ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти

**Комилжон Отаниёзов** – ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти

**Ботир Зокиров** – Ўзбекистон халқ артисти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 25 август.



## ДУНЁ КЎРСИН, ҲАВАС ҚИЛСИН



**Мустақиллик майдонидан репортаж**

Кеч соат 18.30. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Истиқлолимизнинг 9 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилаётган Мустақиллик майдонидамиз. Бир томонда вилоятлардан ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган мингга яқин бадиий ҳаваскорлик жамоалари, севимли ва машҳур санъаткорлар, иккинчи томонда Ўзбекистон байроғини мусиқага мослаб турли кўринишларда кўтаришнинг ҳаддини олаётган талабалар, яна бир томонда куни кеча тугалланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» республика қўшиқ байрамида биринчи ўринни эгаллаган «Ором» боғча-мактабининг жажжи ўғил-қизлари байрам кунлари чиройли ва гўзал чиқишлар қилиш учун тинмай машқ қилишмоқда.

Ҳар ким ўз дастури бетакрор бўлишини истайди. Байрам тайёргарлигига бош-қош бўлаётган республика маданият ишлари вазири ўринбосари Баҳодир Абдураҳимов, Ўзбекистон халқ артисти Рустам Ҳамидов, «Ўзбекракс» гастрол-концерт бирлашмаси бош директори Юлдуз Исматова ҳали у томонга, ҳали бу томонга шошилади. Ана, раққосалардан бирининг хатти-ҳаракати келишмади чоғи, Юлдуз опа карнайни кимнингдир қўлидан шартта тортиб олди-да, жон куйдириб тушунтира кетди:

— Бу ашулага қаддингни ғоз тутиб ўйна. Нега кўзингни юмиб олдинг? Қуёшга қарол-маяпман дейсанми? Ўрган. Тамом-вассалом!

Мен фурсатдан фойдаланиб, Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ташкилий-ижодий гуруҳининг раҳбари, ҳар бир дақиқаси ҳисобли Баҳодир Абдураҳимовни суҳбатга тортаман.

**— Баҳодир ака, айтингчи, бу йилги байрам кунини қандай тасаввур этасиз?**

— Мустақиллик куни биз учун энг шарафли ва муқаддас кун. Сиз кўриб турган ҳозирлик улкан тараддуднинг кичик бир қисми, холос. Биз Юртбошимизнинг **«Байрам байрамдай бўлсин, кайфият байрамона бўлсин»** деган сўзларига амал қилган ҳолда, унга тайёргарлик кўрмоқдамиз. Шунинг учун ҳам байрамда бутун Ўзбекистон халқи иштирок этади, десам муболаға бўлмас.

**— Тўққиз йил ичида Мустақиллик кунини нишонлашнинг ўзига хос анъаналари шаклланди, дейишга ҳақлимиз. Айтингчи, бу йилги байрам дастурида қандай янгиликлар бор?**

— Театрлаштирилган томошалар, миллий ижрочилар ва эстрада юлдузлари чиқишларидан ташқари дастурдан яна бир қанча алоҳида мавзулар бўйича томошалар жой олган. Масалан, ёшларга бағишланган қисм «Соғлом авлод йили» деб номланади. Шунингдек, Қуролли Кучларимиз вакиллари ҳам ўз салоҳиятларини намойиш этадилар.

**— Байрам тантаналари сценарийси ҳақида ҳам бироз тўхталиб ўтсак.**

— Сценарий – бу асосий ғоя. У кундан-кун сайқалланиб, қиёмига етиб бораверади. Асосий саҳнага ўн мингдан ортиқ иштирокчи чиқади. Байрам томошалари телевидение орқали жаҳоннинг элликдан зиёд мамлакатига олиб кўрсатилади.

**— Байрам тадбирларига чипталар тарқатиладими? Бунинг учун қаерга мурожаат қилиш керак?**

– Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри жамоатчилик вакиллари байрамга таклиф этилади. Улар мустақилликни мустаҳкамлашга фидокорона меҳнатлари билан ҳисса қўшаётган ватандошларимиздир.

Байрам томошалари бевосита телевидение орқали олиб кўрсатилади. У кейин ҳам бир неча бор такрорланади. Демак, амалда байрам томошаларидан ҳамма тўлиқ баҳраманд бўлиш имкониятига эга.

Байрам ҳаммамизга муборак бўлсин! У ҳар бир хонадонга бахт-саодат ато этсин! Ўзбек диёридаги тантаналарни жаҳон кўрсин, ҳавас қилсин!

**«Халқ сўзи» мухбири Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.**
**Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## Ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш тўғрисида

**Ёш истеъдод эгаларининг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги муҳим ўрнини инобатга олиб, ўзининг мусиқа, матн ва ижро маҳорати билан одамларнинг юрагига етиб борадиган, эзгуликка чорлайдиган, ирода ва иймон-эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, ижодий уюшмалар ва санъат жамоатчилигининг ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш учун “Ниҳол” мукофотини таъсис этиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

“Ниҳол” мукофоти якка ва туркум мусиқий асарлар яратиш ва ижро этишда юксак бадиий маҳорат кўрсатган, 30 ёшгача бўлган ижодкорларга ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида тантанали вазиятда топширилади.

2. “Ниҳол” мукофоти совриннинг рамзи, Низоми ва мукофотга тавсия этилган номзодларнинг ижодий ишларини кўриб чиқувчи Кенгаш таркиби тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги “Ниҳол” мукофоти совриндорларига ҳар йили энг кам иш ҳақининг 70 баробари миқдорида 10 та пул мукофоти ажратилишини, совринларни тайёрлаш, матбаа, реклама ва ташкилий ишлар билан боғлиқ тегишли сарф-харажатларнинг қопланишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 25 август.

## КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузуридаги инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Кун тартибига парламентнинг навбатдаги сессияси масалалари, вакилнинг ярим йиллик иш фаолияти ҳисоботи, унинг ҳудудий вакиллари институтининг келгуси ривожланиши ва шунингдек, вакилнинг аниқ ишлар бўйича хулосалари киритилди.

— Бу йил Президентимиз ташаббуси билан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) лавозими таъсис этилганига 5 йил тўлади, — деди йиғилишни бошқарган С. Рашидова. — Ўтган давр мобайнида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича салмоқли натижаларга эришилди.

Омбудсман парламентнинг бошқа қўмиталари ва комиссиялари билан бир қаторда «Судлар тўғрисида» ҳамда «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари устида ишлаш ва экспертиза ўтказишда иштирок этди. Шунингдек, ўзининг назорат этиш вазифаси доирасида жазони ижро этиш муассасаларида Жиноят-ижроия кодексининг бажарилиши борасидаги масалаларни ўрганиб чиқди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Омбудсман котибиятига уч мингдан ортиқ фуқаро мурожаат этган. Уларнинг 10 тадан 1 таси назоратга олиниб, 12 та хулоса тузилган ва тавсияномалар берилган. Кейинги вақтларда унинг жойлардаги аҳоли билан учрашуви, суд мажлисларида кузатувчи сифатида қатнашиши каби янги усуллар қўлланиляпти.

Комиссия йиғилишида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Эркин МАВЛОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

**Мамлакатимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш кадрларни тайёрлаш, санъат ва алоқа соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга Фахрий унвонлар берилсин:**

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист»

**Абдувохидов Абдулхамид** – Наманган вилояти Чуст туманлараро прокурорининг ёрдамчиси

**Вакилов Рискиддин Абдулхакимович** – Қашқадарё вилояти судининг судьяси

**Дадабоев Тулан Турсунович** – Сирдарё вилояти ҳокимияти адлия бошқармасининг бошлиғи

**Мирсамадов Мирфайзи Миряхъяевич** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчилик бошқармасининг бўлим бошлиғи

**Палванов Султан** – Ўзбекистон Республикаси прокуратураси бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Шарафутдинов Алишер Озатович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов бошқармаси бошлиғи

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист”

**Маллабоев Авазбек Ғанижонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ашула ва рақс ансамблининг бошлиғи

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”

**Махмудов Даврон Муйдинович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Назорат ва ижро интизоми бўйича гуруҳ раҳбари

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқачи”

**Сайдарипов Тохир** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи”

**Халматов Батир Зиёмович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари

**Мамлакатимизнинг иқтисодиётини юксалтириш, унинг мудофаа қудратини ошириш, миллий хавфсизлигини таъминлаш ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси, Ватанимиз мустақиллигини ҳимоя қилишда кўрсатган фидоийлиги ва мардлиги, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ҳамда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### “Меҳнат шуҳрати” ордени билан

**Мухитдинова Халима Қодировна** – Тошкент юридик коллежи директорининг ўринбосари

**Хўжаев Ботир Асадиллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси

### 1-даражали “Шон-шараф” ордени билан

**Биков Вячеслав Николаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари жанговар тайёргарлик бошқармасининг комиссия раиси

**Нурматов Сайфулло Очилович** – Бухоро шаҳар Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари – тергов бўлими бошлиғи

**Худайбергенов Турсинхон Айдарович** – Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи

### 2-даражали “Шон-шараф” ордени билан

**Авазжонов Фарҳод Спартакович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари – штаб бошлиғи

**Алиев Александр Евгеньевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ахмедов Эркин Эргашевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Бухоро чегара ҳудуди бўлинмаси офицери

**Ахунов Сраджиддин Таджиддинович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бошқарма бошлиғи

**Аширов Шермухаммад Эргашалиевич (марҳум)** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги вертолёт қисмининг штурман-учувчиси

**Бараненков Дмитрий Николаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари вертолёт эскадрильяси командири

**(Давоми 2-бетда).**

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси 2000 йил 30 август куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 29 август куни соат 9.00 дан 18.00га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

**Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси 28 август куни соат 17.00 да ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида йиғилади. 29 август куни Олий Мажлисда:

соат 9.30 да — сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокининг;

соат 11.00 да — Фидокорлар миллий демократик партияси фракциясининг;

соат 12.00 да — "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг;

соат 14.00 да — "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг;

соат 14.30 да — ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилиши бўлиб ўтади.

Олий Мажлис сессияси олдидан

# СОҒЛОМ ТАНДА – СОҒ АҚЛ

Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси муҳокамасига тақдим этилаётган «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида»ги Давлат дастурининг қонунчилик асосларининг бир қисми бўлиб, руҳий ҳолати бузилган шахсларга психиатрия ёрдами кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган.

Ушбу Қонун лойиҳасининг яратилиши мамлакатимизда барпо этилаётган демократик жамият тамойилларига мослиги, барча соҳалардаги ислоҳотлар мақсади инсон омилига қаратилганлиги, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонуний ҳимоя этилиши билан изоҳланади. Масаланинг муҳимлиги яна шундан иборатки, ушбу касаллик билан хасталанган шахслар ҳар қандай камситишдан холи бўлишлари, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлат томонидан кафолатланиши, уларга нисбатан жамиятда чин инсоний муносабат қарор топиши зарур.

Қонун лойиҳаси 4 боб ва 43 моддадан иборат бўлиб, унинг асосий моҳияти мамлакатимиз ҳудудларида руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг соғлиғини текширишдан ўтказиш, профилактика қилиш, ташхис қўйиш, бепул даволаш, уларга ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш, таълим олиш, касб-ҳунар эгаллаши ва меҳнат қилиши учун шароит яратилиши, янги касбларга ўқитиш, улар учун даволаш-ишлаб чиқариш корхоналари, цехлар ва участкалар барпо этиш, соғлиғини тиббий-ижтимоий жиҳатдан тиклаш, тиббий ходимлар ва бошқа мутахассислар, шифокорларнинг хавфсизлиги, ҳуқуқий манфаатлари қонуний муҳофаза этилиши масалаларига йўналтирилган. Шунингдек, руҳий ҳолати бузилган шахс давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа олиш ёки умумий асосларда пенсия олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб берилади.

Қонун лойиҳасининг 3-моддасида мамлакатимиз ҳудудида руҳий ҳолати бузилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳам қонунчиликда белгиланган тартибда психиатрия ёрдами олиш ҳуқуқига эга эканлиги ўз аксини топган.

Руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ўзларига психиатрия ёрдами кўрсатилганда эга бўладиган ҳуқуқлар: қадр-қимматининг камситилмаслиги, қўлланиладиган муолажа ҳақида маълумот олиш, психиатрия ёрдами олишнинг чекланмаслиги, тиббий заруратга кўра, даволашнинг барча турларидан фойдаланиш, уларга нисбатан қонунда белгиланмаган усуллардан воз кечиш каби бир қанча ҳуқуқлар лойиҳанинг 7-моддасида ифодаланган.

Қонун лойиҳасининг муҳим жиҳатларидан бири психиатрия ёрдами кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга амалдаги қонунчилик доирасида хусусий амалиёт билан шуғулланишлари учун кенг йўл очиб берилганлигидир.

Қонун лойиҳасида нафақат психиатрия ёрдамига муҳтож шахслар, балки психиатрия ёрдами кўрсатишда иштирок этувчи шифокор психиатрлар, мутахассислар, тиббий ва бошқа ходимлар ҳам ҳуқуқий муҳофаза этилиши назарда тутилган. Жумладан, уларнинг алоҳида меҳнат шароитларига боғлиқ фаолият билан шуғулланувчи шахслар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгалиги, хизмат вазифаларини бажаришда соғлиғига шикаст етказилса ёки вафот этса, давлат томонидан мажбурий суғурталаниши, ногирон бўлган ёки вафот этган тақдирда унинг боқимандаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарар қопланиши назарда тутилади.

Лойиҳада ўз аксини топган муҳим қоидалардан яна бири шуки, руҳий ҳолати бузилган шахс ғайриихтиёрий равишда психиатрия касалхонасига ётқизилганда, шифокор психиатрлар комиссияси томонидан 48 соатдан ошмаган муддатда мажбурий текширувдан ўтказилиши, агар ётқизиш асосли деб топилса, комиссия хулосасига кўра, шахснинг у ерда бундан буён бўлиши тўғрисидаги масала ҳал қилиниши учун 24 соат ичида психиатрия муассасаси томонидан судга юборилиши тартибининг белгилаб берилганлигидир. Шунингдек, судда ариза қабул қилингандан сўнг у кўриб чиқилгунга қадар руҳий ҳолати бузилган шахснинг ғайриихтиёрий равишда стационарда бўлиб туриши масаласи ҳам ҳал этилиши алоҳида меъёр сифатида киритилганлиги бемор манфаатларини муҳофаза этишда муҳим аҳамият касб этади.

Лойиҳани тайёрлаш жараёнида Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатларининг ушбу масала юзасидан қонунчилик тажрибалари, жумладан, Белорус, Грузия, Польша, Руминия, Латвия, Литва, Россия, Украина ва бошқа мамлакатларнинг қонунлари ўрганилди. Мажмуа лойиҳаси Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮСАИД экспертлари томонидан ижобий баҳоланди. Уларнинг таклиф ва мулоҳазалари иш жараёнида ҳисобга олинди.

**Ойниса МУСУРМОНОВА,**
***Олий Мажлис Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси.***

**<u>Ўзбекнинг табиати шундай:яхшиликни кўрса, кўнгли равшан тортади. Бировнинг дардини, ташвишини ўзиникидай деб билади. Борини ўртага қўйиб ейди.Эҳтиёжмандга ёрдам қўлини чўзади. Меҳмонга уйининг тўрини бўшатиб беради.</u>**

Ўзбекнинг феъли

# ҲИММАТИНГИЗГА ҚУЛЛУҚ

***Сариосиё: тоғдан келган болалар мактабдан қолмайдилар***

Нияти бузуқ кучлар тинчини бузган Сариосиё ва Узун туманлари тоғ-чегара ҳудудларидаги аҳолининг хавфсиз жойларга кўчирилганлиги бизга маълум. Уларга ҳар ким баҳоли қудрат ёрдам қўлини чўзмоқда. Жарқўрғонлик тадбиркор, «Меҳнат-роҳат» фермер хўжалиги бошлиғи Санақул Бозоровнинг ҳиммати ибратли. У ўз хўжалигида етиштирилган маҳсулотлардан 1 тонна гўшт, картошка, пиёз хайрия қилди. Шу тумандаги «Жарқўрғонпахта» ҳиссадорлик жамияти, «Сурхонтекстил» ҳиссадорлик жамияти ва нефт маҳсулотлари таъминоти корхонаси ишчи-хизматчилари ҳам ёмонларнинг дастидан уйидан, қишлоғидан бегона бўлганларни қўллаб-қувватлаш учун 500 минг сўмдан 1 миллион сўмгача маблағ ажратишга қарор қилдилар.

— Биз ҳамшаҳарларимизнинг, бутун Ўзбекистон аҳлининг кўмагини кўриб, сезиб турибмиз, — дейди Узун туманининг Ангориқозибоғ қишлоғидан кўчириб келтирилганлардан бири Ҳазрат Раҳимов. — Мактаб ёшидаги фарзандларимизнинг ҳаммаси мактабга жалб этилди. Улар ўқувчилар кийимкечаги, китоб-дафтар, ўқув қуроллари билан таъминланди.

Халқимизнинг бундай аҳил, мурувватпешалигидан кўнглимиз тоғдай кўтарилди. Неки яхшилик бўлса, аввало, Яратганнинг марҳамати, сўнг ўз қавминг, ўз одамларинг ўз юртингдан бўлар экан. Юртдошларимиз ҳимматига қуллуқ. Шундай бирликка таянган халққа дунё аҳлининг ҳаваси келсин. Биз Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 9 йиллигини зўр тантана, ўйин-кулги билан нишонлашга тараддуд кўраяпмиз. Мустақиллигимизни кўролмаётган ғанимлар халқимиз кайфиятини кўриб қўйишсин.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Матбуот анжумани

# ЭЪТИРОФ

Мамлакатимизда Буюк Британиянинг «Квик стоп Групп» компанияси фаолият кўрсатаётганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Дастлаб экспорт-импорт маҳсулотлари келтириш билан шуғулланган мазкур фирма мана, бир йилдирки, Ўзбекистон иқтисодиётига йирик миқдордаги сармоя жалб этмоқда. Хусусан, унинг сармояси ҳисобига Тошкент шаҳрида йилига қарийб 6,5 миллион дона пластик қоп ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ишга туширилди.

Яқинда эса мазкур компания Наманган қоғоз фабрикаси акцияларининг 62 фоизини сотиб олди. Айни пайтда бу ерда маҳаллий хомашёдан сифатли турли қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўрилмоқда. Бундан ташқари, у Бувайда йигирув-тўқув корхонаси акцияларининг ҳам 64 фоизини харид қилди. Натижада мазкур корхона мавжуд 140 миллион сўмлик қарзларини тўлаш имкониятига эга бўлди.

Республика Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ана шу компаниянинг иш фаолияти билан таништирув маросими бўлиб ўтди. Унда мазкур компания президенти жаноб Ж.Патель журналистлар саволларига жавоб қайтарар экан, Ўзбекистонда хорижлик сармоядорлар учун яратилаётган қулайликлардан ниҳоятда мамнунлигини эътироф этди.

**Б. ОСТОНАҚУЛОВ**

Мустақиллик иншоотлари





# «ХИЁБОН»НИНГ КЎРКАМ БИНОСИ

«Хиёбон» маҳалласи ўқувчилари энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 9 йиллигини янги ўқув масканида қарши оладиган бўлишди.

Тўғриси, пойтахт вилоятининг Тошкент туманидаги Келес шаҳарчасида ушбу мактаб биносини бунёд этиш осон кечмади. Ер ажратилса, маблағ йўқ, маблағ топилса, рухсат йўқ. Ва, ниҳоят, 1988 йилда қурилиши мўлжалланган ушбу бинога орадан ўн йил вақт ўтгач, дастлабки ғишт қўйилди. Маблағ ажратилди. Ҳомийлар топилди.

Қурилишни бош ҳомий — Тошкент туманидаги Ғиёс Умаров номли ширкат хўжалиги ўз зиммасига олди. Аҳмад Халилов бошлиқ ихтисослаштирилган қурилиш бригадаси ишга тушди. Тумандаги бир неча корхона ва ташкилотлар, жумладан, йўл қурилиш ва ободонлаштириш, маиший хизмат, савдо корхоналари ҳам ўз ҳимматларини аяшмади. Ҳатто «Роҳатой» хусусий фермер хўжалиги қурувчиларни гўшт ва сут маҳсулотлари билан сийлаб турди.

— Фарзандларимиз иккита мактабда икки сменада таҳсил олишаётган эди, — дейди хўжалик раҳбари Комилжон Каримов. — Янги мактаб ана шу муаммони тўла ҳал этди. Биз уларга етарли шароит яратиб бера олганимиз учун хурсандмиз.

Дарҳақиқат, шароит хусусида. 1020 ўринга мўлжалланган ушбу билим масканида ўқувчиларнинг фан сирларини мукаммал эгаллашлари учун барча шароит муҳайё. Мактаблар яхши устозга муҳтож бир пайтда хўжалик ўқитувчиларга яна бир имтиёз яратган: улар жамоат транспортида бепул юрадилар. Транспортга кетадиган сарф-харажатни қоплаш эса хўжалик зиммасида. Шунингдек, «Роҳатой» фермер хўжалиги ҳам бошланғич синф ўқувчиларини сут маҳсулотлари билан бепул таъминлаш ташаббуси билан чиқди.

Болалар — келажагимиз. Уларнинг баркамол улғайишлари, чуқур билим олишлари учун яхши шароит яратиб бериш истиқболни кўра биладиган ҳар бир инсоннинг эзгу аъмолидир.

Кенг ва ёруғ синф хоналари, компьютер хонаси, фан кабинетлари, лабораториялар... Уларнинг барчаси аллақачон замонавий ўқув анжомлари билан жиҳозлаб бўлинган. Ушбу масканга ҳавас билан боқарkансан, қайсидир донишманднинг, энг гўзал ва кўркам бино инсонларга илм зиёсини тарқатадиган бинодир, деган ҳикматли сўзлари нечоғли ҳақиқат эканига иймон келтирасан, киши.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Эркин БОТИРОВ олган суратлар.**



«СУВЖИҲОЗГАЗ»

Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси жамоаси

*Ўзбекистон халқини энг улуғ, энг азиз ва энг суюкли байрам — Ватан*
**Мустақиллигининг 9 йиллик**
*айёми билан чин юракдан муборакбод этади. Ва серқуёш Ўзбекистонда ҳамиша тинчлик, омонлик барқарор бўлишини, ҳар бир хонадон Истиқлол нурларидан янада мунаввар бўлишини истайди. Биз Сиз билан ҳамиша биргамиз.*
*Агар Сиз Ўзбекистоннинг табиий бойликларидан оқилона фойдаланаман десангиз, рўзғорингиздаги сарф-харажатни тежашни истасангиз, Ўзбекистонда тайёрланган ҳамда хориждан келтирилган турли русум ва ўлчамдаги*



*газ ўлчагич*
*ва*
*сув ўлчагич*

*асбобларини харид қилишингиз мумкин.*

*Бизнинг маҳсулотлар ҳам сифатли, ҳам арзон, ҳам қулай.*

**Мурожаат учун манзилимиз:**
**Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Чилонзор» мавзеси-20, 19/3-уй.**
**Тел.: 117-15-56, 117-15-45.**



Яна бир бор Истиқлол байрамингиз муборак бўлсин, деймиз.

ЎЗБЕК-АМЕРИКА «COSCOM» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини шонли сана –

Мустақилликнинг 9 йиллиги билан

муборакбод этади.

Азиз дўстлар!

Сизларга мустаҳкам соғлиқ,
оилангизга тўкин-сочинлик,
ишларингизда ривож ва омадлар тилаймиз!



- Тошкент тел.: (998 71) 144-44-44, 144-76-76, 152-36-06, 152-35-95, 173-89-95, 173-83-81, 133-24-24, 133-64-46, 125-88-88.
- Самарқанд тел.: (998 662) 330-300, 22-53-69.
- Фарғона тел.: (3732) 24-62-17, 24-76-52.
- Бухоро тел.: (998 71) 180-78-00, (998 65) 223-95-53.
- Навоий тел.: (436 22) 3-58-00, 3-53-09.
- Чирчиқ тел.: (71 71) 6-47-48, 6-41-41.
- Янгийўл тел.: (71 60) 3-23-08.
- Гулистон тел.: (672) 25-32-15.
- Жиззах тел.: (7222) 3-69-19.
- Зарафшон тел.: (436 57) 2-17-89, 4-16-346.

3190

# "ШЎРТАННЕФТГАЗ"

## НЕФТ ВА ГАЗ КОНЛАРИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

**барча ватандошларни энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллик айёми билан муборакбод этишдан бахтиёрдир.**

*Биз гўзал Ватанимизда истиқлолнинг тўққиз йили давомида қилинган ишлар, бўлаётган ўзгаришлару янгиликлар ҳақида баралла гапиришга ҳақлимиз. Зеро, озодликнинг ҳур шабадалари сабаб биз қиёси йўқ ёруғ кунларга эришдик.*

### АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Мустақиллик куни кўнгилларни эзгулик, шодлик, шукроналик ва умид туйғуларига тўлдириб, ҳар бир хонадонга кириб келаётган ана шундай ҳаяжонли дамларда Сизга бахт ва омад ёр, Оллоҳ мададкор бўлишини тилаймиз. Қилаётган меҳнатингиз оилангизга, юртимизга барака олиб келсин.
Мустаҳкам соғлиқ, хуш кайфият барчангизга доимо ҳамроҳ бўлсин!

**Ватанимизни, халқимизни ёмон кўзлардан Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин! Мустақиллигимиз абадий бўлсин! Байрамингиз муборак, азизлар!**



3269

Аслида қўшма корхонамизнинг ўзи Мустақиллик мевасидир. Авваллари чет эллардаги ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилиш ҳақида орзу ҳам қилиб бўлмасди. Шундай экан, Мустақиллик неъматлари, имкониятлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Буни биз ўз тажрибамиз мисолида кўриб, билиб, баҳраманд бўлиб турибмиз. Ислоҳотлар натижасида ҳар бир корхонага, ҳар бир хонадонга файз-барака кирмоқда, турмуш фаровонлашмоқда.

Изланган, тадбир топган одамнинг рўзғори яхши кечмоқда. Ўғил-қизи ҳатто хорижда ўқимоқда. Ўзи «Нексия», «Дамас», «Тико» да ишга бориб-келмоқда. Бу ўзгаришлар неча йилда юз берди? 9 йилда. Ҳали бу бошланиши, холос. Буни кўролмаётганлар бизга тош отишмоқда. Аммо улар ҳеч қачон ниятига етолмайдилар. Энди орқага қайтиш йўқ. Керак бўлса, жонни тикамиз. Ватанимиз озодлигини сақлаб қоламиз.

Руҳимиз тетиклиги, кўнглимиз шодлиги шуки, улуғ байрам арафасида турибмиз. Байрам қутлуғ бўлсин, қадрли Ватандошлар!





Хонадонингиздан қут-барака аримасин. Осмонимиз мусаффо бўлсин, турмушимиз осойишта кечсин.

Байрам қувончи ҳар бир қалбга етиб борсин!



«Қаршиёғ»

ўзбек-сингапур қўшма корхонаси жамоаси.

3243

